

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 375-ҳадис

375 – عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْبَيْعِ، فَقَالَ: «كُلُّ شَرَابٍ أَسْكَرَ فَهُوَ حَرَامٌ».

[خ 242، م 2001، ت 1863، س 5590، د 3682، جه 3376].

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан битъ* ҳақида сўрашди. У зот: «**Маст қиладиган ҳар қандай ичимлик ҳаромдир**», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Асалдан олинадиган маст қилувчи ичимлик

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI